



РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташири билан мамлакатимизга келди.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари кутиб олди. Президентлар шу ерда қисқа суҳбат ўтказди.

Таширининг асосий тадбирлари 19 октябрга белгиланган.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилади, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашади.

Ташир йакунда давлат раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилиниши, йигирмага яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ҳамда ишбилармон доиралари ўртасида йирик инвестиция ва савдо шартномалари имзоланиши кўзда тутилган.

ЎЗА

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ ФАОЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Аграр-озик-овқат сиёсати ва табиатдан фойдаланиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Лисовский билан учрашди.

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга доир тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг юртимизга давлат ташири доирасида ўтказилаётгани таъкидланди.

Ушбу ташир стратегик муҳим йўналишлардаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилиши ва икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда, жумладан, парламентлараро мулоқотни фаоллаштиришда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Икки мамлакат парламентлари ҳамкорлигининг энг муҳим йўналишлари муҳокама этилди.

Турли соҳалардаги ҳамкорлиқни назарда tutuvchi икки томонлама ҳужжатлар ратификациясини тезлаштириш икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада жадал ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, учрашувда парламент фаолияти соҳасида тажриба алмашиш, жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан Россия парламентининг таҳлилий бўлиналари ўртасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратилди.

Парламентлараро алоқаларни тегишли қўмиталар ва дўстлик гуруҳлари раҳбарлари даражасида фаоллаштириш имкониятлари қўриб чиқилди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ХУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

«Ўзэкспомарказ»да 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўз ишини бошлади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Ботир Хўжаев, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев, Россия қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Сергей Левин сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатларимизнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлиги кенгайиб, иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил апрель ойида Россияга давлат ташири ҳамкорлиқни янги bosqichda давом эттириш имконини берди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги

вақтларда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич икки баробар ўсган. Бугунги кунда мамлакатимиз савдо айланишининг қарийб 18 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади.

Форум икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ҳудудлари раҳбарлари, ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес нонушаси билан бошланди. Унда мамлакатларимиз ҳудудларининг экспорт салоҳияти, Ўзбекистондаги янги иқтисодий зоналар истиқболлари, хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳаси қўнчилигини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир шўъба мажлисларида давом этди. «Ўзбекистон — Россия минтақавий ҳамкорлиги: лойиҳалар ва кластерлар янги bosqich» мавзусида

бўлиб ўтган сессияда Ўзбекистон саноатида кластер услубини қўллаш тажрибаси ва истиқболлари, саноат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш каби масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда саноат ва илмий-техникавий соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш бўйича қўлай шароит яратиш, технопарклар ва кластерларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Россия кластер ва технопарклари уюшмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Давоми 2-бетда. ►

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Шу йил 18 октябрь куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон делегацияси таркибида мамлакатимиз парламенти аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, ҳукумат вакиллари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, шунингдек, Россия пойтахтида таълим олаётган, меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз иштирок этди.

Биринчи Президентимиз ҳайкали ўрнатилган Ислон Каримов номидаги хиёбонда Россия қўнчилиқ органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Москва шаҳри жамоатчилиги вакиллари ҳам жам бўлишди.

Қўнчилиқ халқимиз ва Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга, Москва шаҳри раҳбарияти ва жамоатчилигига Ислон Каримов хотирасига бажо келтирилган юксак ҳурмат учун чўқур миннатдорлик билдирилди.

Давоми 2-бетда. ►

СЎЗ ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА УСУЛЛАРИ

«Ўзэкспомарказ»да 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг қатор вазирлик ва идоралари, компаниялари иштирокида Ўзбекистон — Россия ўртасидаги I ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўз ишини бошлади.

ЎЗА мухбирлари форум иштирокчиларининг айримларидан интервью олди.

Ботир ХЎЖАЕВ,**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири:**

— Ўзбекистон савдо айланишининг қарийб 18 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. 2017 йилда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлиқни янада кенгайтириш бўйича муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон — Россия I ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бунинг самараси бўлиб, унинг тадбирларида Россиянинг турли тармоқлар бўйича 400 дан зиёд йирик компанияси, 17 ҳудуд раҳбарлари иштирок этмоқда. Ўзбекистонда Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби йирик компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу форум мамлакатларимиз компаниялари ўртасидан янгидан-янги шартномалар имзоланишига хизмат қилиб, истиқболда ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланади.

Андрей ШПИЛЕНКО,**Россия кластер ва технопарклари ассоциацияси директори:**

— Ҳар бир ишни бошлашда ўзаро дўстлик алоқаларининг мавжудлиги жуда муҳим. Тошкентда ўтаётган маъруза форум иштирокчиларининг шахсий муносабатларини мустаҳкамлашга кенг имконият яратмоқда. Иштирокчилар ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва кенгайтириш юзасидан суҳбатлашмоқда. Масалан, биз Россиянинг инвестиция лойиҳалари, ташкил этилган кластерлар ва улар қандай қўллаб-қувватлаётгани ҳақида батафсил маълумот бердик. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги вакиллари билан ҳамкорлик бўйича фикр алмашдик. Чунки бизнес ишларини осон ҳал этишда бундай ҳамкорлик аҳамиятлидир. Ушбу вазирлик билан имзоланган битимимиз истиқболли ҳужжатлардан бирига айланади, деган умиддаман.

Давоми 3-бетда. ►

Ўзаро фойдали ва манфаатли анжуман

Ўзбекистон — Россия муносабатларида янги давр бошланди. Бу — ҳар иккала мамлакат ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, халқаро масалаларда позицияларнинг ўхшашлиги, энг муҳими, бир — бирини тушуниш, қўллаб — қувватлаш тамойилларига асослангани билан муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташири бошланди.

Давоми 3-бетда. ►

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Россиянинг энг нуфузли медицина муассасалари билан илмий-амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйган



4

Ўзбекистонда барча миллатлар аҳил яшайди

Александр АРИСТОВ,**Ўзбекистон рус маданий маркази бошқаруви президиуми аъзоси, ахборот сектори раҳбари:**

— Рус миллий маданий маркази 1994 йилда ташкил топган, келгуси йили унинг 25 йиллигини нишонлаймиз.

Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларида марказнинг 23 маданий-маърифий тузилмалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давоми 3-бетда. ►

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев Москвада Ислам Каримов ҳайкалининг очилиши Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бошланган кунда бўлиб ўтаётгани чуқур рамзий маънога эга эканини таъкидлади. Бу умумий тарих, муштарак маданият, икки халқни боғлаб турган минглаб қардошлик ришталарига асосланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустақамланиб бораётганидан далолат экани қайд этилди.

Ислам Абдуганиевич Каримов ўзининг кўп қиррали сиёсий фаолияти билан мустақил Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирди. Ўзбек халқи Биринчи Президентини ардоқлар, ҳурмат қилар ва у билан фахрланар эди. У барчамиз учун доимо ўз халқи ва Ватанига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов ва Россия Президенти Владимир Путиннинг сай-харақатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

Ислам Абдуганиевич Россияга доимо юксак ҳурмат билан муносабатда бўлар, хусусан, унинг таълим соҳасидаги тажрибасини тез-тез тилига олар эди. У Тошкентда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ва И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети сингари Россиянинг етакчи олий ўқув юртлири филиалларини очиб ташаббусқори бўлган эди.

Ислам Каримов томонидан бошланган эзгу ишлар бугунги кунда изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳалардаги ишлорларни янги, юксак босқичда амалга оширилмоқда.

Қарийб 900 минг нафар рус миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Фидокорона меҳнати учун уларнинг кўпчилиги юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган. Республика рус миллий маданият маркази фаолият юритмоқда. Ўзбекистондаги 800 дан зиёд мактаб ва кўлаб олий ўқув юртлирида таълим рус тилида олиб борилмоқда, театрлар фаолият кўрсатмоқда, китоблар, газеталар катта нусхаларда нашр этилмоқда, телекўрсатув ва радиокўрсатувлар эфирга узатилади.

Россия билан ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади. Бугунги кунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путиннинг сай-харақатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар фаол ривожланимоқда.

Ислам Каримовнинг Москвадаги ҳайкали очилишига бағишланган маросимда сўзга чиққан Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Т.Каримова, Россия Федерация Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Н.Фёдоров, Россия ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Г.Карасин, Москва мэри ўринбосари А.Горбенко ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш икки халқ манфаатларига тўлиқ жавоб бериши ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни мустақамлашга хизмат қилишни таъкидладилар.

ЎЗА

«Давоми, бошлангани 1-бетда»

Муносабатларимизда янги давр бошланди. Бу дўстона келишувлар халқимиз фаровонлигига, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

«Рақамли трансформация — Ўзбекистон ва Россия учун янги воқелик» мавзусидаги шўба мажлиси икки мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Бугунги кунда мамлакатларимизнинг ахборот коммуникациялари соҳасидаги муносабатлари қатор муҳим йўналишларда олиб борилмоқда. Телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқасини ривожлантириш, юқори технологияли сановат тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилган лойиҳалар шулар жумласидан. Хусусан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси кўп йиллардан буюн Россиянинг «Ростелеком», «ВимпелКом», «МегаФон» жамиятлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Йўналишда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш имкониятлари, иқтисодиётнинг турли тармоқларига замонавий космик технологияларни қўллаш, давлат бошқаруви тизимини рақамлаштириш, миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш каби масалалар юзасидан тармоқ компаниялари вакилларининг фикрлари тингланди. Иштирокчилар рақамли иқтисодиёт, АКТ мутахассислари тайёрлаш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича кадрлар малакасини ошириш, рақамли телевидение фаолиятини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олишди.

Агросановат комплексиде кооперация ҳамкорлигини ривожлантириш мавзусида ташкил қилинган амалий семинарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашнинг замонавий усуллари, халқаро меъёрлар бўйича яқдил тизимни ташкил қилиш истиқболлари, экспорт бўйича транзит йўналишлари, қадқоқлаш ва сертификатлаштириш амалиёти масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон заминиде етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари дунё бозориде талаб юқори. Ушбу соҳани жадал тараққиёт э-

«Давоми, бошлангани 1-бетда»

тириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу каби маҳсулотлар экспортини янада оширишга мустақам замин яратмоқда.

2016 йилда мамлакатларимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга ўсиб, 398 миллион долларга етган. Сўнгги вақтларда бу кўрсаткич икки баробар ўсган. Семинарда мамлакатимизда етиштирилган, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Форум давомида иштирокчилар Россия тармоқ корхоналарининг иқтисодий салоҳияти, имконияти ва амалиётда жорий қилинган лойиҳалари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

— Ерни фазодан суратга олиш ва шу орқали илм-фан ривожига ҳисса қўлишга оид тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосини ташкил қилади, — дейди «ГеоСкан» компанияси директори Владислав Мисап (Россия). — Майдонлар, шаҳарларнинг 3D қўрилишидаги тасвирларини олиш орқали шаҳарсозликни тўғри ташкил қилиш, кадастр ҳужжатлари, юқори аниқликдаги чизмаларни тайёрлаш мумкин. Бу замонавий архитектурада муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда қурилиш соҳасида мазкур технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.

Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида Россиянинг «Спецтяжавтотранс», «Логрокон», «ТПС», «FerMA», «Дител-Сервис» каби компаниялари ҳам маҳсулот ва хизматларини Ўзбекистон истеъмол бозорига олиб кириш бўйича ўз лойиҳалари тақдимотини ўтказди. Шунингдек, Россия энергетика ва муҳандислик тармоқ компанияларининг салоҳияти намойиш этилди.

Энергетика секториде ҳам кенг қўламли шериклики мустақамлашга, хизмат қиладиган ўзаро фойдали илмий-технологик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қурилиши билан боғлиқ



жараёнларда «Росатом» давлат корпорацияси билан йўлга қўйилган ўқувлар бунга ёрқин мисолдир.

Анжуманда Россиянинг «НИПИГОРМАШ», «GIRAFFE», «Группа ГМС», «Интер РАО — инженеринг» каби етакчи энергетика ва муҳандислик тармоқ компаниялари салоҳияти импорти шартномаларини рўйбўғи чиқаришга қаратилган тақдимотлар ўтказди. Корхоналар фаолияти, имкониятлари, йирик лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Россиянинг кран ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Giraffe» заводи вакилининг таъкидлашича, корхона 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон бозорига кенг турдаги маҳсулотларни етказиб бермоқда. Мамлакатимизда бино ва иншоотлар қурилишида ушбу заводда ишлаб чиқарилган 8 тоннадан 16 тоннагача юк кўтариш қувватига эга кранлардан самарали фойдаланилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Халқаро савдо маркази»да (ITC) Ўзбекистон — Россия ишбилармонлар кенгаши мажлиси ҳам ташкил қилинди. Унда икки мамлакатнинг етгишли вазирлик ва идоралари, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган вилоятлари, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикаси, Оренбург, Иваново, Ростов, Астрахань, Свердловск, Новоси-

бирск, Тюмень, Ленинград, Нижегород, Пензан вилоятларининг 300 дан зиёд ишбилармон доира вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-сановат палатаси раиси А.Икромов, Россия Федерацияси сановат ва савдо вазирининг ўринбосари Г.Каламанов, Россия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши президенти, Россия Федерацияси Савдо-сановат палатаси бошқаруви ва кенгаши аъзоси Ф.Дегтярев ва бошқалар 2005 йилдан бери фаолият юритаётган мазкур кенгаш мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасида фаол шериклик ўрнатиш учун қулай шароит яратиш, ҳамкорликда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, кооперацияни ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш имконини бераётганини қайд этди.

Мажлисда Ўзбекистон — Россия ўртасидаги савдо-инвестициявий, минтақавий ва худудлараро иқтисодий шерикликини янада ривожлантириш, мамлакатларимизнинг савдо айланмаси ҳажминини ошириш масалалари кенг муҳокама қилинди. Кооперация, ишлаб чиқариш, сановат, озиқ-овқат, тўқимачилик, туризм, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлики мустақамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ТАЪЛИМ ФОРУМИ

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида кўлаб муҳим анжуманлар, форум ва тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон — Россия таълим форуми улар орасида алоҳида аҳамият касб этади.



Илк мартаба ташкил этилаётган мазкур форум икки мамлакатнинг олий таълим тизими, илм-фан, инновация технологиялар соҳаси мутахассислари, олимлар, профессорлар, педагогик жамоатчилиги, ёш тадқиқотчиларни ўз атрофида жамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳақимов, олий таълим вазирининг ўринбосари М.Мирзиёев, М.Мирзиёев номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Мараҳимов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори Б.Ходиев ва бошқалар кейинги йилларда янгилаш жараёнлари таълимнинг барча бўғинлари, жумладан, олий таълимда ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидладилар.

«Янги иқтисодиёт учун — янги кадрлар» мавзусида ташкил этилган мазкур форумда ушбу йирик тадбирнинг Ўзбекистон ва Россия маърифий ҳаётида муҳим воқелик экани алоҳида таъкидланди.

Россия Федерацияси Президентининг худудлараро ва хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар бошқармаси бошлиғи Владимир Черновнинг таъкидлашича, ўтган чорак аср бобойида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар наикни сиёсий-стратегик жиҳатдан, балки ўзаро манфаатли, ишончли, самимий ҳамкорлик асосида кенг йўлга

қўйилди. Бунда ўзаро келишув ҳужжатларининг имзоланиши баробарида уларни ҳаётга жорий этиш ҳам муҳимдир. Бу эса ўзаро мулоқотнинг мустақамланиши билан бевосита боғлиқ.

— Бу форум ўзаро манфаатли режаларни биргаликда амалга ошириш имконини беради, — дейди Россия Федерацияси фан ва олий таълим вазирининг Михаил Котоков. — Бугунги кунда таълим соҳасидаги талабалар ҳам Россия олий таълим даргоҳларида таҳсил олмақдалар. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик жадал ва кўп қиррали характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса кадрлар тайёрлашнинг сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Россия ректорлар уюшмаси президенти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничийнинг айтишича, мазкур форум Ўзбекистон ва Россия олий таълим, илм-фан соҳасидаги муҳим воқеадир. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳаётга жорий этилаётган Ҳаракатлар стратегияси мамлакат тараққиётида зўр импульс бермоқда. Ўзбекистонда Мактабга таълим вазирлиги ташкил этилгани халқнинг миллий аънавларига ҳамоҳанглиги билан диққатга сазовор. Мамлакатда буюк алло-малар номидаги ихтисослаштирилган ўқув муассасалари ташкил этилаётгани, жумладан, Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат очилгани эътиборга

молиқдир. Ушбу форум икки давлат олий таълим даргоҳлари ўртасида ҳамкорликини янада кенгайтиришда янги даврни очиши мумкин.

— Бундай нуфузли даврадаги учрашув олий таълим даргоҳлари орасидаги янги алоқалар, ҳамкорликдаги режалар, қўшма дастурларни амалга ошириш имконини беради, — дейди Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг ректори Анатолий Торкунов. — Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан биргаликда кенг ҳамкорликини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Россиянинг М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Г.Плеханов номи Россия иқтисодиёт университети каби нуфузли олий таълим муассасаларининг Тошкент шаҳридаги ҳамда Россия «Миллий технология тадқиқотлар» университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Уларда малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги турта олий таълим муассасасида Россиянинг нуфузли олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда икки томонлама диплом бериш бўйича қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги қарори билан Тошкент шаҳрида «Москва муҳандислик-физика институтининг» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди ва кейинги ўқув йилидан филиалда ўқув жараёни борадигани таъкидланди.

2018 йил 1 августда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Москва шаҳридаги ядро тадқиқотлари, муҳандислик-физика соҳасига оид институтлар билан магистратура бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзоланди. Унга кўра мазкур олий таълим муассасасида ўзбекистонлик талабалар учун 2018/2019 ўқув йилида «Ядровий энергетика ва иссиқлик физикаси» ҳамда «Ядро физикаси ва технологиялари» мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Шу йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги С.Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институтининг Тошкент шаҳрида филиалини очиб ва кино соҳасида етук мутахассислар тайёрлаш, малака ошириш ва тажриба алмаштириш борасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди.

Форумда икки давлат олий ўқув муассасалари ўртасида қўшма факультетлар, Россиянинг етакчи университетларининг юрти-миздаги филиалларини ташкил этиш, қўшма лойиҳалар, талабалар алмашинуви, педагоглар малакасини ошириш, маҳорат сабоқлари ва бошқа ҳамкорликдаги чора-тадбирлар бўйича кўлаб ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро, Фарғона давлат университетлари ўртасидаги ҳамкорлик қилишувлари, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўртасидаги келишув, Тошкентда Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг филиалини очиб оид мазкур ўқув муассасаси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўртасидаги келишув ва бошқа ҳужжатлар шулар сирасига кириди.

Таълим анжумани иштирокчилари шўба-балабга бўлинган ҳолда, «Рус тили — илмий-маърифий соҳада рақобатбардошлик омилли сифатида», «Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг устувор тизимида техник таълим», «Иқтисодиётнинг муҳим йўналишлари учун кадрлар тайёрлашнинг шакли ва механизмлари», «Олий мактабда илм ва инновациялар» каби мавзулар асосида соҳага доир мавзуларни муҳокама этилди.

Форум якуни бўйича Ўзбекистон ва Россия олий таълим тизимидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустақамлаш бўйича якуний резолюция қабул қилинди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ОЛМАЛИҚДА РОССИЯНИНГ НУФУЗЛИ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Миллий технология тадқиқотлар университети — МИСиС филиалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Россия биринчи таълим форуми доирасидаги тадбирда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирининг И.Махмудов, Россия фан ва олий таълим вазирини М.Котоков, МИСиС ректори А.Черникова, «Олмалиқ кон-металлургия компанияси» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Хурсанов иштирок этди.



Ўзбекистонда кейинги йилларда таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилган, жумладан, тор ихтисосликдаги мутахассислар тайёрлаш бўйича икки давлатнинг илгор олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган таъкидланди.

Тошкент вилояти улкан сановат салоҳиятига эга. Сўнгги йилларда вилоятда ёқилган энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа соҳаларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомаш асосида янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ушбу жараён ўз-ўзидан малакали кадрларга эътибор пайдо қилаётди. Шу боис вилоятда сановат тармоқлари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 11 майдаги «Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технология тадқиқотлар университети» филиали Олмалиқ шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастурий асос бўлиб хизмат қилаётди.

А.ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

@ info@uzbekistonovozi.uz



Евгений ЕВТУШЕНКО

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Россиянинг энг нуфузли медицина муассасалари билан
илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйган

Президентимиз Шавкат Мирзиёев медицина соҳасидаги ислохотлар ҳақида гапирганда жаҳон медицинаси ютуқларини ўрганиш, амалиётга жорий қилиш, энг нуфузли муассасаларда малака ошириш, дунё миқёсида эътироф этилган олимларни Ўзбекистонга таклиф қилиш, биргаликда илмий-амалий конференциялар ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Самарқанд давлат медицина институти илмий мактаблари, профессор-ўқитувчилари салоҳияти, моддий-техник базаси ва айниқса Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўқитишнинг халқаро стандартларига мувофиқ кредит-модуль тизимига ўтиштириш халқаро алоқаларни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда институт 60 дан зиёд етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу борада айниқса Россия Федерациясининг медицина олий ўқув юртли, илмий-тектириш институтлари ва илмий-амалий марказлари билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди.

Самарқанд давлат медицина институти томонидан айни пайтда Россиянинг йигирмадан ортиқ медицина олий ўқув юртли, илмий-тектириш институтлари ва марказлари билан ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларини ўз ичига олган ҳамкорлик меморандумлари имзоланган.

Воронеж, Астрахан, Ижевск, Иваново, Омск давлат медицина академиялари, Москва, Қозон, Ростов, Урал, Киров, Жанубий Урал, Россия давлат медицина университетлари, Шимолий-Ғарбий давлат медицина институти ва бошқа бир қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан тузилган ҳамкорлик шартномалари асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, илмий тадқиқотчилар, студентлар ўртасида академик мобиллик, малака ошириш, илмий-амалий конференциялар ташкил этиш, илмий лойиҳалар, кадрлар тайёрлаш, докторлик ва номзодлик диссертацияларини муҳокама қилиш, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш, монография, дарслик, ўқув қўлланмалари, мақолалар чоп этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Сўнгги икки йилда Россиянинг етакчи олимлари ва Самарқанд давлат медицина институти профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида 4 дарслик, 6 ўқув қўлланма, 20 монография,

9 халқаро конференция, илмий ишлар тўплами ҳамда 400 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди, 10 дан зиёд ихтирога патент олинди.

2017-2018 йилларда Самарқанд давлат медицина институтига Россия Федерациясидан 60 дан ортиқ таниқли олимлар ташриф буюрган. Улар томонидан маърузалар ўқилган, маҳорат





Миллий тадқиқот медицина университети каби нуфузли илмий тадқиқот ва илмий тектириш институтлари ва илмий-амалий марказлари билан тузилган шартномалари асосида илмий тадқиқот фаолияти билан биргаликда амалиёт врачлари учун маҳорат дарслари, ўзаро консултациялар, консилиумлар, беморлар куриклари, мураккаб операция-

қрида медицина фанлари доктори профессор, СамМИ ректори Азамат Шамсиев ташаббуси билан ташкил этилган илмий тўғаракнинг иқтидорли студентлари Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Самара, Қозон, Нижний Новгород, Уфа, Орел шаҳарларидаги етакчи медицина академиялари, университетлари, илмий тектириш муассасаларида ташкил этиладиган халқаро танловлар, фан олимпиадалари, илмий-амалий конференциялар ва нуфузли мусобақаларда фаол қатнашиб, 28 олтин, 23 кумуш, 25 бронза медалларини қўлга киритган, илмий тўғарак аъзолари умумжамоа ҳисобида 25 марта олтин медал соҳиби бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бутун умумий гаплардан амалий ишларга ўтиш вақти келганлигини жуда кўп бор таъкидламоқда. Самарқанд давлат медицина институтида бу борада муҳим қадамлар ташланганлиги алоҳида эътирофга сазовордир. Юқорида келтирилган далил ва рақамларни медицина йўналишидаги олий ўқув юртлига ўрнак қилиб қўрсатиш керак. Бизнинг назаримизда, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи муносабати билан бошқа соҳалар қаторида медицина соҳасидаги алоқалар ҳам бундан-да ривожланиши, тараққий этади.

Фаррух ХАМРОЕВ

ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАНЛАР



5 ОЛТИН, 4 КУМУШ, 7 БРОНЗА

Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида III ёзги ўсмирлар олимпиадаси якунига етди. Олимпиаданинг сўнгги кунда 56 килogramm вазн тоифасидаги боксчимиз Абдумалик Халаков финал жангини ўтказиш учун рингга кўтарилди. Ҳамюртимиз украиналик Максим Халиничевни 5:0 ҳисобида мағлуб этиб, олтин медал билан тақдирланди. Яна бир боксчимиз Тимур Мержанов бронза медали учун жангда Миср вакили Юсуф Али Карар устидан ғалаба қозонди.

— Рақибларим жуда кучли эди, — дейди Абдумалик. — Лекин мен ҳам бўш келмадим. Зарбаларни аниқ йўллаб, ринг марказини эгаллашга ҳаракат қилдим. Олимпиада мен учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Энди машғулотларни янада кучайтираман. Катталар ўртасидаги Олимпия уйинларида ҳам чемпион бўлмоқчиман.

III ёзги ўсмирлар олимпиадасида спортчиларимиз 5 олтин, 4 кумуш ва 7 бронза — жами 16 медални қўлга киритишди.

Шаҳбоз САИДОВ

ЭЪЛОН

«TOSHKENT KIMOSHDİ SAVDOLARI» МЧЖ

2018 йил ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари очик аукцион савдолари ўтказилишини маълум қилади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Уч-тепа тумани, 12-мавзе, 67-«А» уйда жойлашган Тошкент юридик коллежга қарашли 2006 й. и/ч. д/р 01/023 ОАА, бошланғич нархи 37 627 100 сўм бўлган «Нексия», Тошкент шаҳар, Буюк Йпак йўли кўчаси, 243-уйда жойлашган Тошкент виллояти Ички ишлар бошқармасининг бошланғич нархи 904574 сўм бўлган, 1994 й. и/ч. д/р 10/095 VSF бўлган «Доган» русумли автотранспорт воситалари тақдоран қўйилган.

Шунингдек, 2018 йил 22 ноябрь кунидан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156-«А» уйда жойлашган «Чилонзор буюм савдо комплекси» акциядорлик жамиятининг 2009 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/717 ODA, бошланғич нархи 44 421 000 сўм бўлган «Эника» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «Toshkent kimoshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 2020800004932833001 ҳисоб рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда, навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга тақдоран қўйилади. Савдо солибида савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юқлатилади. Талабдорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар қўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган кўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. Алоқа телефони: (+998 95) 143-69-97, электрон почта: tkos-mail@inbox.uz

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент виллояти Ички ишлар бошқармасининг 1994 й. и/ч. д/р 10/093 VSF бўлган «Доган» 1 100 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005414-05.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safor OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038. 6504 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 04:50.

Topshirilgan vaqti — 06:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 5 6